O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1998 йил. 24 март | 6 (136)- сон

## ФИКРЛАЁТГАН БОЛА

### У СИЗНИ ҚИЗИҚТИРАДИМИ?

Биз бугун етуклик бўсағасида турган ўсмир ёшларнинг эҳтиёжларини яхши биламизми? Уларнинг ранг-баранг талаб-истаклари, интилишлари билан яқиндан қизиқиб кўрганмизми? Баъзан Европа ТВ каналларида кўриб қоламан: кичкинтой, ҳали эҳтимол етти-саккизга ҳам кирмаган болакайлар экранга чиқиб ўзларини қизиқтирган саволлар устида фикрларини ўртоқлашадилар. Менга уларнинг яхшилик ва ёмонилк, муҳаббат ва ота-она ўрни ҳақидаги болаларча содда, лекин ўта самимий, беғубор мулоҳазалари катта аҳамият, эътибор ва эҳтиромга лойиқ бўлиб туюлади. Европаликлар болаларини жуда кичик ёшданоқ фикрлаш, мустақил фикрлаш, хулоса чиқариш, яхши-ёмонни аниқ ажратишга ўргатадилар. Бизга фикрлаётган ёки фикрлайдиган болалар маҳмадана бўлиб кўринади. Ҳолбуки, маҳмаданаликнинг маъноси тамомила бошқа. Унинг балки фикрлашга алоқаси камдир. Фикрлаётган болаларни маҳмаданалик қилма деб уришиш ва уларни фикрлашдан бездириш менга сайраб турган булбулнинг бошига тош билан уришдан баттар бир ярашмаган қилиқ бўлиб туюлади. Фикрлашда, жамиятни ташкил этувчи атомлар ҳақида ўйлаш ва фикр ҳосил қилишда камолат мазҳари бор. Шу мазҳарни муттасил, изчил тарбиялаб борсак, миллат ҳам, мамлакат ҳам кўп улуғ натижаларга эришади. Мен ўзбек ТВсининг «Синфдош» деган кўрсатувини канда қилмай томоша қилиб бораман. «Синфдош» ҳозир ЎзТВда ўсмирлар, матаб ёшидаги йигит-қизларни фикрлашга чорлаётган, уларнинг фикрларини ўрганаётган, қизиқтираётган кўрсатувлардан биридир. Афсус, бу жуда ҳам муҳимдан муҳим кўрсатувни Фақат пойтахт ва унинг атрофларидагина кўриш мумкин. Ҳолбуки, уни бутун Ўзбекистон оилаларида, бутун Ўзбекистон ўсмирлари, ёшлари, балки барча кичкинтойлари ҳам кўришлари керак. Нима, қишлоқ мактабларига, вилоятлар, вилоят шаҳарларига фикрлаш керак эмасми? Ҳолбуки, қандай тийрак болаларимиз бор. Улар умуммамлакат экранидан туриб сўйлашсинлар, тортишсинлар, ўзларини безовта қилаётган орзу-ўйларини тортинмай баён этсинлар. Улар бизнинг фикрлаб турган келажагимиз. Келажагимиз фикрламай қўйишини ҳеч ким истамайди. «Синфдош» баъзан ўнғайсиз, тарашланмаган саволларни қўяди ўз давраларида. Аллакимлар дарров бундан чўчиб кетгандай бўладилар. Театр ҳақида бундай гапирманг. Кинони бундай пастга урманг. Болаларнинг СПИД ҳақида бундай гапларни айтишга нима ҳақлари бор. Улар яхшиси ўз дарсликларини ўзлаштирсинлар... — деганга ўхшаш овозлар эшитилиб туради. Улар бу билан болаларнинг фикрлашга бўлган бирламчи эҳтиёжларини бўғишга уринаётганликларини сезармикинлар? Ҳолбуки, чин тикланиш шу балоғат ёшига кириб келаётган болакайлар, ўсмирлар, юқори синфларнинг ўқувчиларида ҳаммамиздан кўра кўпроқ зуҳур қилмасмикин? Шу каби саволларга жавоб изларкан, «МТ» Ўзбек ТВнинг жонли «Синфдош»и билан фикрлаш масалаларида ҳамкорлик қилиш устида ўйланади. «МТ» шу мақсадда «МУАЛЛИФ БОЛАЛАР» рукнини ҳам яратишни кўзламоқда. Бу йўлда илк қадам муҳимлигини англаб, «Синфдош»нинг муаллифи ва олиб борувчиси, ёш журналист Дилдора Ҳамидовани «МТ»га таклиф этдик. Дилдора ўз кўрсатувига жуда қизиққан, унинг устида ёниб-куядиган журналистлардан экан. У ҳозир санъат институтининг тележурналистика бўлимида таҳсил олаяпти.

(3-саҳифага қаранг)

**МУҲАРРИР**

## ЭШИК БИТТА, ЙЎЛОВЧИ МИНГТА

*Сабо, етказ саломимни*

Ҳурматли таҳририят!

17 март сонида эълон қилинган «Қулайлик кимга ёқмайди» мақоласини қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Унда муаллиф кўплаб юртдошларимиз кўнглидаги дардларни айтибди. Зотан, бугун вилоятлардагина эмас, ҳатто Тошкентдек шаҳри азимда ҳам йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш ишлари ҳавас қиларли даражада эмас. Бекатларда соатлаб транспорт кутишлар, аксарият ҳайдовчи ва патта тарқатувчиларнинг йўловчиларга нисбатан қўпол муомилалари ҳали-ҳали барҳам топган эмас. Баъзи автобус, троллейбус ва трамвайларда ҳайдовчиларнинг ўртоқлари, ака-укалари ёки «вақтинча ёлланган йигитчалар»нинг ҳеч бир асоссиз «кондуктор» вазифасини ўташлари, ота-онаси тенги одамларга қўполликлари, муомила маданиятидан умуман йироқликлари жамоатчилик норозиликларига сабаб бўлмоқда. Негаки, улар кўпинча эшик олдида кўндаланг туриб олиб, йўл ҳақини тўлаш лозимлигини худди тўтиқуш каби такрорлайверадилар, аммо пулни олишга оладилару, патта беришни хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Устига-устак ҳайдовчилар ўша эшикни очмайдилар. Ҳар қанча тиқилинч бўлишига қарамай одамларни фақат олдинги эшикдан ўтишга мажбур этадилар. Бундай асаббузарликларга 20-, 3-, 4-троллейбусларда, 20-йўналиш бўйича қатновчи автобусларда ҳар куни дуч келасиз.

Шу ўринда яна бир гапни айтиб ўтишни истардим: шаҳардаги баъзи бекатлар ҳолига, айтиш жоиз бўлса, маймунлар йиғлайди. Оёқ остида эски патталар, турли хил қоғозлар, писта пўчоқлари, сигарет қолдиқлари тўзиб ётади. Уларни ташлаш учун ахлат идишларини топа олмайсиз. Ёмғирли кунларда эса бекатлар томидан чакка ўтиб, кутиш майдончаларида ҳалқачалар ҳосил бўлади. Мутасаддилар масаланинг бу жиҳатларига ҳам жиддий эътибор қаратиб, хато-камчиликларни тузатиш чора-тадбирларини кўрсалар, айни муддао бўларди.

**Ҳамза БОБОЁРОВ,**
**талаба**



## ОИЛА — ЖАҲОН АЙВОНИДА

**Ер юзида неча миллиард одам бўлса, бари оила бағрида эсини таниб, оила ҳақида тасаввурга эга бўлади. Инсон боласининг оила ҳақидаги тушунча ва тасаввурлари жуда, айтайлик, индивидуал, яъни ўзига хосдир. Тўрт миллиард одамни сўраб чиқсангиз, оила ҳақида тўрт миллиард турли жавоб оламиз ва бу ҳали ҳаммаси эмас.**

**Оила — тирик ҳаётнинг, ҳикмат, тажрибанинг кони. Мухбиримиз оила борасида сўровлар билан мурожаат этганда кишилар ўй-хаёлга ботганларини кўрдик. Осон жавоб йўқ. Балки шуниси тузукдир.**

***1. Оиланинг бутунлиги кўпроқ нимага боғлиқ? (Давлатмандликками, маданият даражасигами, зиёли интилишларгами?)***

***2. Ҳозир жуда эрта турмуш қураётган ёшлардан жамият ва жамоат олдидаги масъулиятлари ҳақида сўраб ўтирмаймиз. Шу тўғрими? Сизнингча қандай?***

***3. Ўзбек оилалари бугун кўпроқ нимани ўйламоқда? Зиёли оилани қандай тушунасиз?***

***(2-саҳифада ўқийсиз)***

## СИЁСАТДАН ДОИМ КИМДИР ХУРСАНД, КИМДИР ХАФА

Британия ташқи ишлар вазири Робин Кук Исроил ҳамда Фаластинга яқинда ташриф буюриб, ташрифи чоғида Қуддус Шарифнинг Хар Хома маҳалласига борганда худди шундай бўлди. Унинг ташрифидан исроилликлар жуда қаттиқ, норози бўлдилар. Фаластинликлар эса миннатдорчилик билдирдилар. Гап шундаки, Муқаддас Қуддуснинг Хар Хома маҳаллотида Исроил ҳукумати яҳудийлар учун турар жой маҳалласи барпо қилишга киришган эди. Дунёнинг кўпни кўрган сиёсатдонлари Исроил ҳукуматининг бу қарорини «барбод бўлишнинг бошланиши» деб баҳолаган эдилар. Қуддуснинг араблар яшайдиган маҳалласида яҳудий турар жойларини қуриш бу Фаластин шароитида, ҳақиқатан ҳам, «арининг инига чўп суқиш» билан баробар бир нарса бўлган эди. У Яқин Шарқдаги тинчлик ва тотувлик жараёнига акс таъсир кўрсатди. Кук Хар Хомадаги қурилиш майдонини кўздан кечираркан, Европа иттифоқи бундай охиригача ўйланмаган ишлардан қаттиқ ташвишга тушмоқда, деди. Европа иттифоқи арабларга тегишли ерларнинг бундай тарзда ўзлаштириб олинишига қўшилолмайди. Исроилликлар инглиз министридан дарғазаб бўлиб уни бақириб-чақириб қарши олдилар. Сўнг Кук Ғозада Ясир Арафот ҳузурида бўлди. Буни эшитган Нетаняху Кук шарафига бериладиган зиёфатни қолдирди.

## СУХАРТО МАОШИНИ КАМБАҒАЛЛАРГА БЕРМОҚЧИ

«Антара» агентлигининг хабарига қараганда, Индонезия президенти Сухарто ўз иш ҳақини камбағалларга бўлиб беришга қарор қилган. У эндиликда ҳарбий нафақаси ҳисобига яшамоқчи. Сухарто министрлар кабинетига ўзидан ўрнак олишни таклиф этди. Индонезияда министрларнинг расмий маълум ойликлари 400 долларга етиб боради. Лекин президентнинг оладиган маошининг миқдори маълум эмас. Бироқ истеъфодаги генерал Сухарто Осиёнинг энг бадавлат кишиларидан бири эканлиги яхши маълум. «Форбс» журналининг келтиришича, унинг хусусий бойлиги 16 миллиард долларга тенг. Оилавий бойлиг эса 40 миллиард доллар.

Карнайчидан бир пуф деганлари шу бўлса керак-да! Ҳимматингизга балли, генерал!

*Бир ўқ атрофида айланар дунё*

## ХИТОЙНИНГ ЯНГИ БОШ ВАЗИРИ: ВАЪДАЛАР КАТТА

Хитойнинг янги бош вазири Чжу Жунцзи Халқ мажлисида дастурий нутқ сўзлади. Янги бош министр ўзининг қатъий иқтисодий программасини баён қилиб берди. Бу программа тўла равишда давлат мафкураси талабларига жавоб беради. Парламент Чжунинг йирик давлат корхоналарини қайта қуриш ва уч йил давомида зарарга ишлайдиганларини тугатиш ҳақидаги режаларини маъқуллади. Идоралар сони ҳам кескин қисқаради. 40 вазирликдан 29 тасигина сақлаб қолинади. 4 миллионга яқин мансабдорлар ўрни қисқаради. Жуда катта миқёсдаги иқтисодий ўзгаришларни кўзлаётган Чжу демократик ислоҳотлар тўғрисида лом-мим деб оғиз очаётгани йўқ. Етмиш яшар жуда кўп аччиқ-чучукларни кўрган Чжу ўзини «Хитой Горбачеви» деб чақиришларини сира ҳам ёқтирмас экан. Яна ким билсин. «Рейтер» агентлиги шундай деб ёзган-да!

**ХОРИЖ АХБОРОТЛАРИ КУНДАЛИГИДАН «МТ» МУХБИРИ ТАЙЁРЛАДИ**

## БАЙРАМ ЯРАШГАН, ЯШАРТИРГАН, ЯШНАТГАН ЮРТ

Ернинг юзи, куннинг кўзи — одам, деганлари шу бўлса керак. Ўзбекистон миллий боғидаги сайлу томошага ошиққан элнинг равиш-рафторига боқиб, кўзлардаги байрам ифодасини англаб юракка ҳаяжон қуйилади. Кўкда чарақлаган офтоб кўнгилларга кўчган. Кўнгил турнакўзли шодлик булоқларида сув ичган, ғаму ҳасрат зоғлари бу боғлардан қочган. Майдоннинг яшил чимларида бинафшалар кўз очган... Еру осмон бирлашиб кетади гўё. Баҳорнинг гулларига айланиб сарвиноз қизлар, там-там келинчаклар, ўктам йигитлар, кайвони момолар, чечан янгалар, болакайлар гулдираб майдонга кира бошладилар. Саҳна мўъжиза майдонига айланади. Камалакнусха кўприкдан, мовий осмондан фаришталардай саф-саф қизлару баҳодирлар тушиб келадилар. Муяссархонимнинг қўнғироқдай жарангдор овози қанотланади, кабутардай эркаланиб янграйди. Фасллар маликаси баҳор, қўр-қутли ёз, саховатли куз, оқ қасрли қишнинг мўъжизалари майдон саҳнини тўлдиради. Минг бир лаҳжада, минг бир оҳангу нағмада қадимги ёр-ёрлар, лапарлар, лутфу ҳазил тўла қўшиқлар булоқдай жўшади. Ўғирлар, чархлар, савағичлар, омочлар, қўшлар, арғимчоқлар, ўтовлар — халқнинг содда ва мукаммал ижоди саҳнада «ишлай бошлайди».

Гўдакларини опичлаб, қўл ушлашиб бахтиёр оилалар ўтадилар. Ширу шакар қўшиқларга, аския ва пайровларга, чолу кампирларнинг шавқ-завқли лапарларига тўлади дунё. Наврўз турли қиёфаларга, турли либосларга инсоний мазмун, ҳаётий севинч бағишлаганидан яйрайсиз. Ён-атрофимдаги икки-уч яшарли болакайлар гоҳ рақсга тушиб, гоҳ ҳайратланиб, гоҳ тойчадай кишнаб, улоқчадай ирғишлаб томоша қиладилар.

Алпомиш йигитлари билан майдонга чиққанда, мана бу болакайнинг қўлтиғи остидаги қирқин қанотлари ёйилиб кетгандай қийқиради. Минглаб сайл иштирокчилари орасида юртбошини таниб шу митти паҳлавон дамба-дам шивирлайди:

— Ана, Каримов келдилар. Ана, Каримов сўзлаяптилар...

Бургут кўзли болакай ўз Ватани Президентини жим бўлиб тинглайди.

Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов меҳру эҳтиром, ихлос ва муҳаббат туйғуси билан йўғрилган қутлов сўзини айтади.

Халқимизнинг қадимий удумларига амал қилиб, деҳқон элига таъзим билан тилак билдиради. Бундай байрамлар, катта сайллар тинчлик-эминлик барқарор бўлган юртга ярашади, дейди Президент.

Баҳорий тенг кунлик, — дуолар ижобат бўладиган айём. Яхши ниятлар юракларда майсадай унадиган, орзулар авжга кирадиган палла бу. Байрам саҳнаси минглаб иштирокчиларнинг ҳаяжони, завқи, истеъдоди, кулгулари, болакайларнинг читтигуллари, қувлашмачоқлари, шаршараклар, чаманзор мушаклар билан омухта бўлиб, ғаройиб эртаклар қасрига айланди гўё. Дорбозлар тўрғайдай мувозанат сақлаб, кўкни тўлдирдилар. Улкан «лолалар»нинг қадаҳларига офтобнинг нурлари шаробдай тўлади. Ойхон опанинг, Салтанат опанинг, ёмон кўздан асрасин деб ҳазориспанд тутатганлари ҳам ярашди бу сайлга.

Мовий ва пушти ранглар дарёси тошади. Болаларнинг «кокилдор» варраклари дариллайди, чанқовузлар тиллари ешилиб, дўмбиралар селдай шариллайди. Халқнинг чинакам ижодкорлик даҳоси намоён бўлди байрам гурунгида.

Эстрада юлдузлари саҳнага бир дунё илҳом ола келдилар. Ўзбекнинг кўчасидаги бу байрам қанчалар улуғвор, ҳаётбахш, гўзал ва фусункор эди.

Бу байрам завқи Президент сўзларининг шукуҳига қанчалар мос эди... Ярашган эди...

**Ойдин ХОЖИЕВА**

*Либосимиз — кўркимиз*



## ОВРУПОНИНГ ЧОПОНИ

### МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАР НИМАГА ҚУРБОН БЎЛМОҚДА?

Баҳор янгиланиш фаслидир. У нафақат табиатнинг, қолаверса бутун тирикликнинг янгиланиш, тозариш ва жонланиш палласи ҳисобланади. Баҳор келиши билан инсон руҳияти билан бирга юриш-туришимиз, кийинишимиз ҳам ўзгаради. Зеро, кийиниш инсон феъл-атворини, эътиқоди, дини, миллати, дид-фаросати ва урф-одатлари каби бир қатор хусусиятларни ўзида жамлайди. Кийимлар узлуксиз ўзгариб туради. Донишманд шоир Мирзо Бедил айтганидек, «ўзгариш билмаган либос кафандир, ўзгариш билмаган хона гўрхона». Бу гапнинг нечоғлик тўғри эканлигига кишилик тарихи абадий шоҳидлик беради. Бугунги кунимиз янгиликлар дунёсидир. Бутун дунё, таъбир жоиз бўлса, янгилик ва ахборот алмашув ҳавоси билан нафас олаяпти. Бу эса ўз навбатида онгимизга, шу жумладан, кийинишимизга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Мода оламидаги энг сўнгги ўзгаришлар ҳам ҳозир бизга бегона эмас. Энг уста бичиқчи — тикувчилар томонидан тайёрланган либослар бизга-да хизмат қилмоқда, қоримизга ярамоқда, кўркимизга кўрк қўшмоқда. Бу албатта ҳаётимиз файзидан дарак.

Бугун кўчаларда турфа хил русумда, турлича кийинган кишиларни кўрамиз. Улар шу қадар ранг-барангки, беихтиёр турли миллат ва мамлакат вакиллари бирга сайрга чиқишгандек таассурот қолдиради кишида. Ҳа, чиндан ҳам шундай. Хўш бунинг нимаси ёмон, деб сўрарсиз? Бунинг ёмон жойи йўқ, лекин мутафаккир Белинский таъбирича, урф-одатлар, шунингдек, кийиниш миллатнинг ўзига хос хусусиятларини белгилар экан. Демак кийиниш маданияти ҳам миллатнинг қиёфасини ўзида акс эттирар экан. Шундай экан, бугунги кийинишимиз миллатимизга хосми? Афсуски, ҳа деб баралла айтолмаймиз. Баъзан кўчада кетаётганингда ўзбеклар яшайдиган мамлакатда эмас, балки бирон хорижий давлатда, дейлик Оврупода юргандек ҳис этасан ўзингни. Мини-юбкалар, ярим очиқ либослар, «йиртиқ шимлар» ёшлар танасини ишғол этишда давом этмоқда. Бу «салб юриши» миллий либосларимиз қурбонлиги эвазига тезлашиб, кучланмоқда.

Ҳар бир миллатнинг миллий либоси бор. Бу унинг кўрки ва фахри. Бироқ бу фақат биргина шу либосни кийиш керак, дегани эмас. «Бошда дўппи, гердайган ўзбек» Оврўпо чопонини (пальто) кийса нима бўлибди? Қулай, чидамли ва энг муҳими чиройли. Демак, гап кийимда эмас экан, балки танлашда экан. Модалар ҳар дақиқада ўзгариб турибди. Бу давр талаби, ҳаёт талаби. Биз паранжи ёки чодираларга қайтиш керак демаймиз. Модадаги ўзгаришларни миллат хусусиятига қараб ўзлаштирилса, айни муддао бўларди деган ниятда қалам қимирлатдик холос. Индаллосини айтганда, шундай қилиш керак ва шарт. Бу эса миллий модачи ва дизайн усталарининг етишиб чиқишини тақозо этади. Буни эса қилса бўлади. Негаки билиб-билмай кўчага мини-юбка кийиб чиққан қизалоқнинг ота-онаси, бува-бувиси, маҳалла-кўйи бор. Қолаверса, ўша матоҳни сал узунроқ қилиб тикишга ўзбекнинг пилласи ҳам, пахтаси ҳам бор. Фақат дўппини ечиб қўйиб, бир ўйлаб кўрилса бас!

**Холли НОРБОЕВ,**
**«МТ» мухбири**



# ТВ ВА ЎСМИРЛАР

*«Синфдош» кўрсатуви муаллифи Дилдора ҲАМИДОВА билан суҳбат*

**— «Синфдош»нинг мухлислари кўпми? Кўрсатувни ташкил этиш қийин эмасми?**

***ДИЛДОРА ҲАМИДОВА:***

— Болалигимдан журналистика ва ТВ ҳаётини жуда яхши кўраман. Яхши мақсад, орзу билан яшасангиз, у албатта, келажакда эртами-кечми рўёбга чиқаркан. ТВ даргоҳига илк қадам қўйганимда мени «Болалар ва ўсмирлар» кўрсатувига таклиф этишди. Аввалига мавзулар тополмай қийналиб юрдим. Чекланган фикрлар ва қарашлар доирасидан ҳеч чиқолмайдигандек туюлдим ўзимга ўзим. Лекин «Синфдош»ни мустақил тарзда олиб бора бошлагач, кўз ўнгимда бепоён мавзулар олами очилди. Болаларнинг ҳаёти, уларнинг баъзан катталар, ҳатто ота-оналар, ҳурматли муаллимлар кўзларига ҳам ташланмай қоладиган муаммолари, фикр-ўйлари, ҳаётга қарашлари поёнсиз ўзига хос олам экан. Четдан бу муаммолар оддий, содда бўлиб кўринади. Лекин улар ичида яшай бошласангиз, бу нақадар чуқур кириш мумкин бўлган соҳа эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. «Синфдош» болаларнинг китобларга, пулга, газеталарга, мактаб, маданиятга муносабатларини ёритиб бормоқда. «Ғунча», «Тонг юлдузи», (Ёш иқтисодчи» иловаси), «Гулхан», «Солнышко», («Класс!» иловаси), сингари болалар нашрларини кузатиб бораман. Болалар бугун газета-журналларни ўқишяптими? Ўқиётган бўлсалар, қанчалар уқишяпти? — деган саволларга болаларнинг ўзларидан жавоблар изладим...

**— Кечиринг, гапингизни бўлдим. Лекин сиз бу каби саволлар билан фақат шаҳар болаларига мурожаат қилмоқдасиз. Қишлоқ болаларининг бу ҳақдаги фикрларини билишни истармидингиз?**

— Истаганда қандай. «Синфдош»нинг биринчи сони 1995 йилнинг 17 октябрида экранга чиқди. Бир ярим йил давомида бутун мамлакат болалари кўрсатувни кўришди. Ҳар кўрсатувдан сўнг юзлаб хатлар олардим. Шундай суюнардим. Қишлоқ болалари жуда самимий ва жуда тийрак бўлишади. Уларда мулоқот истаги кучли. Улар «Синфдош»га дўстона муносабат билдиришарди. Лекин кейин ТВда турли ички ўзгаришлар бўлди. Ҳозир «Синфдош» «ТВ-2» редакцияси тизимида чиқмоқда. «ТВ-2»ни билсангиз керак, пойтахтда кўпроқ томоша қилиш мумкин. Тошкентнинг болалари жуда ақлли. Лекин негадир улар редакцияларга хат ёзиб мурожаат қилишмайди. Билмадим, бунга вақтлари йўқми ёки паст иш деб билишадими? Тошкентга газета-журналларга обуна жуда камлигини ҳам бунга қўшсангиз, бир хулоса чиқариш мумкин бўлармикин? Кейинги бир-бир ярим йил ичида Тошкентнинг барча мактабларида бўлдик. Болалар билан уларни қизиқтирган саволлар устида бевосита мулоқот олиб бордик. Кўп нарса беради бу мулоқотлар...

**— Кўрсатувнинг асосий мақсади нима?**

— Мақсади болаларнинг бугунги фикрлаш дунёси, келажакни қандай тасаввур қилаётганликлари ва унга қандай тайёргарлик кўраётганликларини ўрганиш, очиш, кашф қилиш. Фикрлаш малакаларини ҳосил қилиш. Болаларнинг маънавий-маданий қизиқишлари доираси қандайлиги бизни ўйлантиради. Кўпчилик болалар кинотеатрлар, театрлар ҳақида тасаввурга эга эмаслар. Бу соҳаларнинг намояндаларини танимайдилар. Сўрасангиз, елкаларини қисадилар. Айрим ёшлар жаҳон кино ва қўшиқ юлдузларининг исмини яхши биладилар холос.

**— «Синфдош»нинг энг эсда қолган чиқишларини айтиб бера оласизми?**

— 1996 йилда Избоскан районидан мактаб ўқувчиларидан танқидий хат олдим. Кейин Избосканда шу хат муаллифлари, ёшлар билан учрашдик. Кўрсатувдан сўнг анча ўзгаришлар бўлган. Болалар шунчалар севинган эдиларки, ҳали-ҳали хат ёзиб туришади. ТВга, қолаверса, «Синфдош» кўрсатувига бўлган ишонч одамни қувонтиради ва изланиб ишлашга ундайди. Бир кўрсатувимизда «Ўқитувчи — ўқувчи учун ким?» деган саволни ўртага қўйдик. Болаларнинг фикрлари ҳар қандай одамни ҳам жуда-жуда ўйга толдиради.

**— «Синфдош»нинг қандай орзулари, тилаклари бор?**

— «Синфдош» ҳаётий, қизиқ, ҳаққоний чиқиши учун болаларнинг фаол муаллифлик қилишлари жуда ҳам зарур. Ҳаётда турли соҳаларнинг етук мутахассислари ҳам биз билан яқин ҳамкорлик қилсалар, бу болаларимизнинг фикр дунёлари кенгайишига катта таъсир кўрсатади. Энг муҳими, «Синфдош»нинг давраси мамлакат миқёсида кенгайиб борса, уни барча болалар кўрсалар, унга ишонч ва муҳаббат билан мурожаат қилсалар, у маданий ҳаётимизнинг ёрқин нуқтасига айланади.

**Гулжамол АСҚАРОВА**
**суҳбатлашди**

# ОЗОДЛИК БЎЛМАСА, НИМА ҚОЛАДИ?

## ЖАДИДЛАР ҲАРАКАТИНИНГ СИЁСИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЗАМИНИ

2-МАҚОЛА

**Тарих — ибрат**

### ИҚТИСОДИЙ ЗАМИН

Чор ҳукумати ва капиталистлар биринчи навбатда пахтачиликни ривожлантириш ва текстил саноатини арзон хомашё билан таъминлашга қаттиқ киришадилар.

Маълумки, маҳаллий пахта навларининг сифати ва толасининг узунлиги жиҳатидан ҳунармандчилик саноатига мослашган эди. Шу боис у рус текстил саноати эҳтиёжини тўла қондира олмади. Мустамлакачилар буни ҳисобга олиб, ўлкада Америка пахта навларини иқлимлаштиришга қаратилган чораларни изчиллик билан кўрдилар. Чунончи, Америкадан уруғлик пахта чигитлари келтирилиб, махсус тажриба станция ва плантацияларда экилди. Ҳатто чигитлар деҳқонларга бепул улашилди. XIX асрнинг 80-йилларига келиб Америка пахтасини иқлимлаштиришда катта муваффақиятларга эришилди. Бу пахтанинг толаси анча узун, ҳосилдорлиги ва сифати баланд бўлиб, текстил саноатининг талабларига тўла жавоб берди. Муҳим афзалликларидан бири яна шундан иборат эдики, унинг чаноғи очилар эди. Маҳаллий пахтанинг чаноғи очилмаслиги орқасида узиб олинар ва пахтаси қўл билан ажратиларди.

Ўлкада Америка пахта навларини экиш йил сайин кенг қулоч ёйиб бораверарди. Пахтачилик тобора ривожланиб, «пахта васвасаси» бутун ўлкани чулғаб олди. Катта даромад илинжида мустамлака ҳарбий хизматчилари, саноат вакиллари, қўйинг-ки, кимнинг маблағи бўлса, ўша ўзини пахтага урди. Рус пахта плантациялари пайдо бўлди. Аммо уларни деярлик ҳаммаси пахтачиликни уддалай олмай банкротга учрадилар.

Гарчанд Америка пахта навларини иқлимлаштириш ташаббусчилари мустамлака вакиллари бўлсалар-да, лекин уни амалга оширишда ўзбек деҳқонлари ҳал қилувчи ўринни эгалладилар.

1886 йилда етиштирилган пахта 3 миллион, 1910 йилда 10,8 миллион ва 1915 йилда 18,5 миллион пудни ташкил этди. Бу пахтанинг деярли ҳаммаси Россияга олиб кетилди. Орада ўзбек савдо-саноати вакиллари, яъни миллий буржуазия Россия билан алоқаларда воситачилик йўлини тутдилар.

Пахтачилик билан бир қаторда пахта тозалаш, ёғ ва совун заводлари юзага келди. Мустамлака даврида пахта тозалаш заводларининг сони 208 тага етди. Уларнинг талай қисми маҳаллий бойларга тегишли эди. Масалан, Фарғона вилоятидаги 157 пахта тозалаш заводининг 107 таси миллий буржуазия қўлида эди. Аммо, заводлар унчалик катта бўлмай, техникавий жиҳатдан анча паст эди. Иккинчи томондан, уларнинг эгалари рус капиталистлари ва фирмаларига қарам бўлиб, улар билан рақобат қилишга қодир эмас эдилар. Бундан айрим бойлар мустасно, албатта. Бутун ўлканинг иқтисодий ҳаёти 1912 йилги маълумотга кўра 7 та давлат ва 40 та турли фирмалар, банкларнинг қўлида эди.

Рус капиталистлари миллий буржуазияни мустақил ривожлантиришга ва куч-қудратга тўлишига йўл бермади. Уларга Туркистон ўлкаси билан алоқада кўпроқ воситачилик сифатида муносабатда бўлди. Натижада миллий буржуазия «Масков савдо-саноат ширкати», «Ака-ука Шлосберг ширкати», «Вл. Алексеев ширкати», «Бр. Крафт ширкати», «Нева мануфактура ширкати», «Триуголник ширкати», «Данилов мануфактураси ширкати», «Морозов савдо уйи», «Прохоров мануфактураси» ва бошқа қатор ширкатларнинг исканжасида фаолият кўрсатди. Улар ҳаммаси пахта ва бошқа хомашё маҳсулотларини узлуксиз Россияга ташидилар. Улар пахтани арзон нархда олишдангина эмас, балки ундан тайёрланган турли газламаларни сотишдан ҳам катта даромад оладилар. Бундан ташқари ширкатларнинг пахта тозалаш заводлари ҳам бор эди. Масалан, 1912 йилги маълумотга кўра, улар Фарғона вилоятининг ўзида 50 та пахта тозалаш заводларига эга бўлганлар.

Туркистон замини Россиядан келтирилган тайёр саноат моллари билан тўлдирилди. Умуман айтганда, Рус давлати ярим асрдан ортиқ вақт ичида маҳаллий халқларнинг бойликларини имкони борича кўп ўзлаштиришга ҳеч нарсадан тоймади.

Эллик йилдан бери, деб ёзган эди Фитрат, — — эзилдик, таҳқир этилдик. Қўлимиз боғланди, Тилимиз кесилди, оғзимиз қопланди. Еримиз босилди, молимиз таланди, Шарафимиз емирилди, номусимиз ғасб қилинди. Инсонийлигимиз оёқ ости қилинди. Тўзимли турдик, сабр этдик, кучга таянган ҳар бир буйруғига бўйсундик. Бутун борлиғимизни бердик.

### МАЪНАВИЙ ЗАМИН

Мустамлакачилик сиёсати ўлканинг маънавий ҳаётига ҳам зарба берди. Чунончи, у миллий тилни ривожлантиришга йўл қўймади. XX аср бошларида бир неча газеталар чиқаришга рухсат берилди. Лекин улар кўп умр кўрмай бекитилиб турилди. Рус ҳукумати халқ маорифини ривожлантиришни хаёлига ҳам келтирмади.

Рус ҳукумати туб аҳолисининг саводи, билими ва миллий ҳис-туйғуларининг ўсишидан жуда чўчиган. У иложи борича ўлка халқини руслаштиришга қаратилган сиёсатни ўтказди. 1870 йилдаёқ Россия халқ маорифи вазирлиги «Маорифнинг мақсади пировардида барча маҳаллий аҳолини руслаштиришдан иборат» бўлиши ҳақида қарор қабул қилган.

Рус маъмурияти ва Остроумовга ўхшаш зиёлилар орасида агар миллий мактаб ва мадрасалар фаолиятига имкон яратилса, «ғафлатда ётган мусулмонлар уйғониши» ва «нонимиз яримта» бўлиши мумкин деган хавотирланиш йўқ эмас эди. Бундай миллатнинг келажагини барбод этувчи зулм жадидларнинг маънавий қарашининг асосини шакллантирди.

Улар биринчи навбатда халқнинг саводини чиқариш ва жаҳон андозаси даражасида билимини оширишга киришдилар. Улар ёшларни ўқитиш учун Германия, Франция, Туркия, Миср ва бошқа мамлакатларга юборишни талаб этдилар. Масалан, бундай таклифлар М. Беҳбудийнинг «Эҳтиёжи миллат» (1909), Ҳамзанинг «Муаллиф афандиларга улуғ рижомиз» (1914) ва Чўлпоннинг «Дўхтир Муҳаммадиёр» (1915) сингари мақолаларида баён этилди.

Жадидлар матбуотни ривожлантириш билан ҳам халқнинг «кўзини очиш»га ҳаракат қилдилар.

Рус маъмурияти миллий газеталарни турли баҳоналар билан бирин-кетин ёпиб, маърифатпарварлик фаолиятига тўсиқлик қилиб турган. Аммо, жадидлар бўш келмай, 1913—1915 йиллар орасида «Самарқанд», «Садойи Туркистон», «Садойи Фарғона», «Жонли тил», «Бухорои Шариф» ва «Турон» газеталарини ҳамда «Ал-Ислоҳ» ва «Ойна» журналларини чиқардилар. Уларда ислоҳотлар ва бошқа долзарб масалалар бўйича фикр-мулоҳазалар ўз аксини топди.

Олдинги мақолаларда қайд қилинган Миркомил Мирмўминов Андижонда шифохона ва мадраса очиш учун кўп ҳаракат қилди. Лекин рус маъмурияти унинг мавқеининг янада ошиб кетишидан ва халқнинг «уйғониши»дан қўрқиб, йўл бермади. Бу хусусда қуйидаги архив ҳужжат далолат беради:

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИГА**

***Миркомил Мирмўминбоев Андижон шаҳрида қурмоқчи бўлган мадраса масаласи бўйича шуни маълум қиламанки, Фарғона вилоят бошқармасидан мавжуд мадрасаларни кенгайтириш ва янгиларини қуришга иложи борича рухсат этмасликни ва фақатгина эски мадрасаларни таъмирлашга рухсат берилишини сўрайман.***

***Охирги пайтларда баъзи бир шаҳарларда, Андижон, Қўқон ва Ўратепада мусулмонларнинг баъзи бир масжид ва мадрасаларига ўқишни истаганларнинг мисли кўрилмаган даражадаги катта оқими кела бошлади. Бу давлат манфаатларига зид ҳолдир. Масалан, шундай мадрасаларнинг бирида муллаваччалар сони 160 кишидан бирданига 600 кишига кўпайган. Андижон шаҳрида шундоқ ҳам мусулмон мактаблари керагидан ортиқроқдир».***

Туркистон ўлкасида халқ билим юртларининг инспектори имзо чеккан мазкур ҳужжат мустамлака маъмурияти хоҳиш иродасининг ифодасидир, албатта.

Демак, мустамлака давлатнинг маориф ва маданий соҳадаги сиёсати ўзбек ва бошқа туб аҳолини саводсизлик ва қолоқликда сақлашга, умумжаҳон тараққиётидан маҳрум этишга қаратилган эди. Шунинг учун ҳам, халқ оммаси маънавий жиҳатдан қашшоқлашди. Мана шундай оғир сиёсатга қарши ўлароқ жадидларнинг маърифий ва маънавий кураши юзага келди.

Ватанга содиқлик ва унинг мустақиллигини тиклаш ҳис-туйғулари ҳам жадидлар етакчилигида жамиятдаги барча табақаларни озодлик курашига чорлади. Улар фаолиятининг дастлабки босқичида маърифатпарварлик салмоқли ўринни эгаллади. Аммо, бу уларда сиёсий ғоялар ва мақсадлар йўқ эди, дейиш эмас, албатта. Аксинча, олдинги саҳифаларда кўрсатилганидек, сиёсий қарашлар мавжуд эди. Лекин уни дарҳол амалга ошириш учун ҳали шароит етилмаган эди. 1917 йилда Россияда Романовлар сулоласи ағдарилиб, сиёсий курашга имкон туғилиши биланоқ, жадидлар, миллий буржуазия ва руҳоний вакиллари биргаликда «Шўрои Исломия», «Уламо» ва бошқа партия ва уюшмаларни ташкил қилдилар. Натижада Туркистон мухторияти юзага келди.

**Ҳамид ЗИЁЕВ,**
**профессор**

# КУЛГАНИМИЗГА ХАФА БЎЛМАНГ

*Ёдимиз лавҳалари*



— Ҳайрон бўлманг, бону, Шайх билан бирга кўриб чиқдик таржимангизни. Яхши, жуда яхши деса ҳам бўлади. Лекин камчиликлари ҳам йўқ эмас... Кулганимизга хафа бўлманг. Биз таржимон ким бўлиши мумкин, деган масалада тортишиб қолдик. Мен унга, — дедилар Мирзакалон домла Мақсуд оға тарафга бош ирғитиб, — бу таржимонимиз ўрис тилини яхши биларкан, ўзбек тилидан оқсаркан... десам, нима дейди денг. — «Бирон амалдорнинг хотини бўлса керак, татар бўлса керак. Уйда ўтираввериб, зерикканидан таржимонлик қилмоқчи бўлган», — дедилар...

Мақсуд оға олдиларида турган шоҳмот доналарини шаҳд билан аралаштириб юбордилар...

— Мен эмас, ўзингиз айтдингиз девдек келадиган, бўйдор, бақалоқ хоним атирупалар бўйини анқитиб, бармоқларидаги тилла узукларни ярақлатиб, бўйнидаги олтин занжирларни кўз-кўз қилиб кириб келади, деб. Қаранг, ўзи айтган гапни менга тўнкаяпти-я... — дея кулдилар яна.

Бу, икки устоз билан — ажойиб инсон, одамшаванда дўст билан илк учрашувим эди. Ҳазил-мутойиба ва кулгулар билан улар орамиздаги масофани кўтариб ташлаган эдилар. Шу ондан бошлаб мен ўзимни оғаларим ва ота меҳри билан мени алқаган қадрдонларим даврасида ҳис этдим.

Сўнг бу икки устозим, таржимам хусусида тўхталишди.

Аввал таржима билан қачондан бери шуғулланишимни сўрашгач: қўлим бинойидек келиб қолганини таъкидлашди. «Рус тилини яхши биларкансиз, энди ўзбек тилини — она тилингизни чуқур ўрганинг», — дедилар. Мамлакатимизда иш юритиш ўрис тилида борганидан, она тилимизга эътибор қочган чоқлар эканда энди билсам. Бўлмасам, Эски шаҳарда — бирон ўрис истиқомат қилмаган маҳаллада ўсган, Жоме масжиди биносида жойлашган ўзбек мактабида таҳсил олган мен каби бир одам она тилига нўноқликда айбланаяпти-я...

— Бунинг йўли қийин эмас, сиз, асосан, ўрис тилида китоб ўқиркансиз. Энди кўпроқ бадиий асарларни ўзбек тилида ўқинг... Иккала Абдуллани ўқинг... — Кўзларимни катта-катта очиб, тушунмай турганимни кўриб қўшимча қилдилар — Абдулла Қодирийни, Абдулла Қаҳҳорни, Садриддин Айнийни...

— Ўқиганман, — дебман уялмай-нетмай...

— Бу гал бошқача ўқийсиз. Ўқиб ҳузур қилиш учун эмас, тилига аҳамият бериб ўқийсиз. Адиблар ишлатган сўзлар устида бош қотиринг. Сиз билмаган сўзлар учраса, кўчириб олинг, мақолларни ҳам кўчиринг, уларни таржимада ишлатинг, — дедилар Мирзакалон домла.

— Шоирлар қолиб кетмасин, — гап қўшдилар Мақсуд оға. — Ҳаммамизнинг бузрукворимиз Алишер Навоийдан бошланг мутоалани. Луғатларини ўрганинг. Муқимий, Фурқат, Нодирабегим... Эҳҳей, олдда қанчадан қанча иш бор таржимонликка етгунча... Ўрис тилини яхши билармишсиз... Қани, айтингчи... «вирши» нима дегани?

Кўплар ўрис тилини яхши билишимни эътироф этарди. Каминанинг ўзлариям яхши биламан, деб ҳисоблардилар... Лекин «вирши?». Бу нима дегани экан? Индамай бош эгиб қолдим. Эсласам, худо ўзи кечирсин мени, Мақсуд оғам ҳам кечирсинлар, кўзимга ёмон кўриниб кетганлар ўша палла...

Мунғайиб қолганимни кўриб Мирзакалон домла гапни бошқа ёққа бурдилар:

— Таржимонлик оғир ижод. Иккала тилни жуда яхши билишдан ташқари, таржимон бўламан деган одам машқ қилиб чарчамаслиги керак. Шу топда бошимга бир фикр келди, — дедилар Мақсуд оғага юзланиб. — Бу қизимизни Шуҳрат билан таништириб қўяйлик. Ҳа, қизим, эшикдан кираверишда «Шарқ юлдузи» журнали редакцияси бор лавҳасига кўзингиз тушган бўлса керак. Шу таҳририятнинг Шуҳрат деган масъул котиби бор — шоир Шуҳрат. Мен сизни у билан таништириб қўяман. Яхши йигит, ҳушсурат йигит, қалби ҳам ўзидай чиройли. Ўрис тилида келган мақолалардан бериб турса сизга яхши машқ бўлади...

Айни шу паллада хонага хушчирой, кўзлари чақнаб турган, қадди-қомати келишган, очиқ чеҳра бир йигит кириб келди...

- Ҳизрни йўқласалар бўларкан, домлангиз Шуҳратжоннинг ўзлари келиб қолдилар, — деб менга ўгирилдилар Мақсуд оға. — Ўзи чиройли одамнинг иши ҳам чиройли бўлади, энди мана шу йигит ёрдам беради сизга...

Мириқиб кулишдилар. Ўртада бўлиб ўтган мулоқот ҳақида хабар топгач, Шуҳрат ака ёрдамлашишга ваъда бердилар. Сўнг Мирзакалон домлага ўгирилиб: «Мен сизга бир ҳикоя келтирувдим. Ирина Гуроники. Шуни эртагача ағдариб берсангиз — катта эмас», — дедилар.

Домла бир Шуҳратга, бир менга қарадилар-да: «Худонинг хоҳишини қаранг-а...» — деб қўйдилар. — Бу қизимизга ёрдамингизни шу бугунданоқ бошласангиз, қандоқ бўларкан... Янги таржимон Холидахон Аҳроровага бера қолинг ҳикояни. Боплаб ўгириб берадилар... «Кичкина деманг бизни» деган гапни яхши биласиз. Эртага эмас, албатта, бириси кун келтириб берадилар, — дедилар шоир Шуҳрат қўлидаги ҳикояни олиб менга узатдиларда, Мақсуд оғага юзландилар. — Шайх ака, энди икковимиз бу қизимизни оталиққа оламиз. Шоиримиз оғалик қилади. Айни эслаб турган чоғимизда ўз оёғи билан кириб келдими, бунинг ҳам бир хосияти бор...

Ўша куни 1948 йилнинг майимиди, ёзувчилар уюшмасидан уйга қайтган ҳамоноқ драматург А. Н. Островскийнинг драмаси таржимасига киришибман. Блокнотимга эса ёзувчилар уюшмасида бўлганимни, таржимон бўлишим мумкинлигини айтишганини битиб қўйибман. Ҳозир ҳар гал кўзим тушганда «камтарлик»ни қаранглару деб қўяман. Ана шунинг учун ҳам ёшлар осмондан келса — тушунаман.

Аммо устозим белгилаган кунда Ирина Гуро ҳикояси таржимасини «Шарқ юлдузи»га олиб бордим. Бу гал Шуҳрат оға ўрис тилида ёзилган бир очерк бердилар таржимага. Таржимонлик фаолиятим шу йўсин бошланди. Бу орада ҳар гал «Шарқ юлдузи»га борганимда қилаётган ишимдан ахборот бериш учун консултация бюросига кираман.

Бир гал кирганимда Мақсуд оға Мирзакалон домла билан яна шоҳмот суришаётган экан. Салом-аликдан ва ҳол-аҳвол сўралгандан сўнг мен «вирши» деган сўз қадимий рус ва украин тилларида маълум усулда ёзиладиган шеър эканлигини, ҳозирда қўлланилмаслигини айтдим Мақсуд оғага.

— Шогирдлари ҳам анойи кўринмайдилар, — дедилар Мақсуд оға Мирзакалон домлага юзланиб. — Қизимиз бунинг ҳам тагига етибдилар. — «Айтди-қўйди-да» деб аллақачон унутиб юборганлар деб ўйловдим. Мени кечирсинлар, узр, бону, мен ўйлагандан ҳам пишиқ чиқдингиз... Кейин ўрис тилида қўшимча қилдилар: «Так держат!». Шайх ака йирик гардишли кўз ойнак ортидан ҳамиша кулиб турадиган кўзларини юмиб очиб, юмиб очиб табассум қилиб қўйдилар.

Устозларимни хотирлаганимда ўзимдан ўзим уяламан. Бу гал ҳам зиммамиздаги юкни — айбни замонага ташлайман... Ростдан ҳам, бировга миннатдорчилик билдирмасдик, меҳримизни намоён қилмасдик — лаганбардорлик саналишидан чўчирдик. Яхшиликларига биздан яхшилик қайтмаган. Балки яна алланимабалолар дейилишидан ҳайиқармидик. Бундай ўйлаб кўрсам, ваҳшат салтанатида қўрқа-пуса ўтиб кетибди-я, умримизнинг ёшлик деб аталмиш олтин даври...

**Холида АҲРОРОВА**

# ҲАММАСИ КЎНГИЛДА

*НЕГА ШУНДАЙ ДЕЙМИЗ?*

***Адабиётшунос Маҳмуд Сатторовнинг адабий-танқидий мақолалари, маънавий-маърифий қадриятларимиз, тарихимизга доир кузатишлари, хотира ва эсселарини республика оммавий-ахборот воситаларида ўқигансиз.***

***Олимнинг «Миркарим Осим», «Олис юлдузлар жилоси» (ҳаммуаллифликда), «Ватан осмони», «Ўзбек удумлари», «Ўзбекнинг гапи қизиқ» китоблари ўқувчига яхши таниш. У Тошкент Давлат Маданият институтининг доценти. Ҳозир «Ўзбекчилик» деб номланган китобни ёзмоқда.***

***М. Сатторов шу кунларда умрининг қутлуғ 50-баҳорини қаршилаяпти. Биз уни муборакбод этиб, сиҳат-саломатлик, илмий-ижодий ишларда ютуқлар тилаймиз.***



**Эрур кўнгулда сафо ишқ тоза доғи била,**
**Нечукки, кўзда ёруғлиғ қароғи била.**

**Алишер НАВОИЙ.**

«Кўнгил кўнгилдан сув ичар», дейди халқимиз. Кўнгил ҳақидаги сўз, атама, ибора, мақоллар ўзбек тилида фаол қўлланилади. Масалан, «Бошим кал—кўнглим нозик» деб, ўзгалардан қадр талаб этамиз. «Нотавон кўнгилга қўтир жомашов» дея, кўнгил кўчасига эрк берган ёши улуғларга киноя қиламиз. Ёшларга таскин маъносида «Кўнгилга буюриб бўлмайди» деб қўямиз.

Кўнгил тушунчаси билан боғлиқ яна қандай ибораларни ишлатамиз?

**КЎНГЛИ ЧОПМОҚ.** Бир юмушга жазм қилмоқчи бўлсангиз, кўнглингиз «чопиши»га ёки — «чопмас»лигига қараб иш кўрасиз. Бу ибора муайян ниятга ижобий муносабат — хайрихоҳлик, ишонч белгиси. «Кўнглим чопиб турибди» деганда, бирор масалада янглишмаганлигингиз, адашмаганлигингизга кўзингиз етганини билдирасиз. Муқобиллари: юраги урмоқ, кўзи етмоқ, кўзи ўнг бўлмоқ, кўнгли сезмоқ, қадами ўнг бўлмоқ, ўнг қўл билан турмоқ ва ҳоказо.

**КЎНГИЛГА КЕЛМОҚ.** Икки маънога эга. Биринчиси бирор воқеани эсга туширмоқ, хотирага олмоқ маъноларида қўлланилади. Кўчма маънода эса, кўнгилга оғир олмоқ, кўнгилга қаттиқ ботмоқ, кўнгилга тегиш, кўнгил оғритиш, кўнгил синдириш каби маъноларни беради. Муқобиллари ҳам шулар бўлиб, уларга кўнглига олмоқ, озор етказмоқ, кўнгилни хира қилмоқ, шубҳа-гумон солмоқ мазмунларини ҳам қўшиш мумкин.

**КЎНГЛИ ЎКСИК.** Кўнгли ярим, синиқ, шикаста муқобиллари бўлиб, инсоннинг муайян сабаб туфайли (етим, бефарзанд, хасталик) кўнгли шикасталигини ифодалайди.

**КЎНГИЛ КЎЧАСИГА ЭРК БЕРМОҚ.** «Кўнгил кўчаси» одоб-ахлоқ, андиша дарвозаси билан берк туради. У очилса, ҳис-туйғуларга эрк берилади, қуюшқондан чиқилади. Оқибатда ғайриахлоқийлик, фаҳш ва жиноят йўлига киришгача олиб келади. Шунинг учун ҳам, катталар кичикларга «Кўнгил кўчасига эрк берма», дейдилар. Ўзлари ҳам аксар шу ақидага риоя қиладилар.

Иборанинг тағин бир муқобили «кўнглимнинг кўчасига ҳам келмаган» орқали сўзловчи ўзига билдирилган ишончсизликни, айб, гуноҳ ишни рад қилади. Бу қилғиликни қилиш нари турсин, ҳатто хаёлимга ҳам келтирмаганман, етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган қабилидаги ибораларни муқобил сифатида ишлатади.

**КЎНГЛИ ҚОЛМОҚ.** Одатда кишилар «Фалончидан кўнглим қолди» деганда бирор одамдан ихлоси қайтганини, меҳри ариганини, унга ишончи йўқолганини ифодалайдилар. Кўнгли қолганнинг муқобили кўнгли қайтмоқдир.

**КЎНГИЛ СЎРАМОҚ.** Одам одамдан ҳол-аҳвол сўрайди. Кўнглини олади, кўтаради. Кексаларни, касал беморларни бориб кўради, дийдорлашади. Қўлидан келса ёрдам беради, савоб ишлар қилади.

**«КЎНГИЛ СЎРАШ»** ибораси бу маъноларнинг барчасидан дарднинг оғирлиги, ҳамдардликнинг юқорилиги билан ажралиб туради. Биров қазо қилганда халқимиз унинг яқинларидан кўнгил сўрайди, ҳамдардлик билдириб, кўнглини кўтаради. Ўлим ҳақлигини таъкидлаб далда беради, қолганларга умр тилайди. «Кўнгил сўрамоқ»нинг муқобили, эквиваленти йўқ.

**КЎНГИЛГА СОЛМОҚ.** Илоҳиёт билан боғлиқ ҳолда қўлланилади. «Худо кўнглимга солди», «Ғойибдан аён бўлди», «Кўнглим сезди» каби муқобиллари билан ишлатилади. Ибора инсон қалбида Аллоҳ таоло томонидан юборилган яхши ниятнинг имкон топиши, эзгу ишларнинг ижобат бўлиши демакдир.

**КЎНГЛИ НОЗИК.** Инсонга таъриф берганда «Кўнгли гулдек нозик» ёки «Кўнгли тошдек қаттиқ», деймиз. Бу мусбат ва манфий сифатлар яхшию ёмонни, оқу қорани, эзгулигу ёвузликни кескин ажратиб кўрсатади. Кўнгли нозик кишиларга нисбатан баъзан нозиктаъб сўзи ҳам ишлатилади.

**КЎНГИЛДАН ЧИҚАРМОҚ.** Икки маъноси бор. Биринчиси, сидқидилдан худо йўлига савоб иш қилиш. Иккинчиси, маломат ҳақорат, камситиш, ноҳақликни рақибнинг ўз хатосини англаб, тавба қилгани, узрли сабабли кечириш ёки унутиб юбориш. Бу ибора ҳар икки ҳолатда ҳам инсоннинг камолотидан, заковатидан дарак беради.

**КЎНГИЛДАН КЕЧИРМОҚ.** Бирор масалада тахминлаган ниятингиз амалга ошса, «Кўнглимдан кечувди», «Шундай бўлишини билувдим», дейсиз. Тўғри маънода маълум хотира, таассурот, фикрни яна бир карра кўнгил ойнасидан ўтказиш тушунилади.

**КЎНГИЛГА ҚАРАМОҚ.** Ўз мустақил фикрингиз, хулосангиз бўлгани ҳолда баъзан ҳамсуҳбатингизнинг фикрига қўшиласиз, беихтиёр уни тасдиқлайсиз. Демак, унинг кўнглига қараган бўласиз. Негаки, юз амри ширин, ота-онангиз, устозингиз, рафиқангиз, ўғил-қизларингизнинг кўнглини оғритишдан истиҳола қиласиз.

Кўнгилга қарамоқ баъзан салбий оқибатларга олиб келса ҳам инсоннинг юмшоқ табиатли,, андишали, инсоний фазилатларга бойлигидан далолат беради.

**КЎНГИЛГА УРМОҚ.** Бирор одам, қилиқ, гапни», таомнинг меъдага тегиши. Кўнгилга урмоқнинг жонига тегмоқ, меъда ёки бадига урмоқ сингари муқобиллари бор. Ибора ҳамиша кўчма маъно ташийди.

**КЎНГЛИ БЕЗОВТА БЎЛМОҚ.** Сафардаги боласига ота-онанинг кўнгли алағда бўлиши, бирон нохушлик олдидан инстинктив равишда хавотирланиш каби маъноларни ифодалайди. Одамни илоҳиётга, кўзга кўринмас руҳларга боғлаб қўяди. Кўнгли хира тортмоқ, кўнгли увишмоқ, кўнгли беҳаловат бўлмоқ юраги ғаш бўлмоқ каби муқобиллари ҳам мавжуд.

**КЎНГИЛ ОЛМОҚ.** Инсоннинг кайфиятини кўтариб, кўнглини чоғ қилмоққа қаратилган. Яхшилик, эзгулик, савоб иш билан бировнинг мушкулини осон, оғирини енгил, узоғини яқин қилиш демакдир. Муқобили: кўнгил овламоқ, кўнгилни кўтармоқ, тоғ, чоғ қилмоқ, кўнгилга йўл очмоқ кабилар.

**КЎНГИЛГА ҚЎЛ СОЛМОҚ.** «Синамаган отнинг сиртидан ўтма» деган мақол бор. Бировнинг ичидагини билиш учун унинг кўнглига йўл топиш, кўнгил қулфига калит солиш керак. Бу ўзига хос маҳоратни, инсоний самимиятни, меҳр-муҳаббатни талаб қилади.

**КЎНГИЛ ИШИ.** Севги-муҳаббат, инсоний меҳр-мурувватга «Кўнгил иши» деймиз. «Кўнгилга буюриб бўлмайди» деб тенгсиз муҳаббатга аралашмаймиз. «Шаҳзоданинг ишқи қурбақага тушибди» деб антиқа никоҳларга фатво топамиз.

**КЎНГИЛ УЧУН.** Баъзан бировнинг кўнгли учун, айниқса у севикли кишингиз бўлса, ҳеч қандай хавф-хатардан чўчимайсиз. Йўлингиздан қайтмайсиз. Иборанинг иккинчи маъноси ҳам бўлиб, уни «шунчаки» сўзи билан сифатлашга тўғри келади. Бу ўринда бирор иш йўлига, номига, ҳўжакўрсинга, қўл учида ёки кўзингиз қиймаганидан, ўлганингизнинг кунидан қилганингиз тушунилади.

**КЎНГИЛ КЎЗИ БИЛАН (КЎРМОҚ)** — ибораси кўзи ожиз одамнинг қалб кўзи билан кўришига, севишига, меҳр-муҳаббат билдиришига ишора қилинади. Соғ одам ҳам кўнгил кўзи билан кўриши, ҳис қилиши, у ёки бу шахс ёки ҳодисага баҳо бериши мумкин.

**Маҳмуд САТТОРОВ**

